

**ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАБИЙ МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШГА
ЎРГАТИШ**

Хайдарова Малика Джамшидовна, Қодирова Махлиё Фанижоновна¹
Бухора Давлат университети ўқитувчиси, ¹Университет талабаси, Ўзбекистон
e-mail: mali7313@mail.ru

Аннотация. Ушбу маколада Технология дарсларида бошлангич синф ўқувчиларини табиий материаллар билан ишлашга ўргатишнинг аҳамияти , уни бошлангич синфларда қўллаш усувлари ёритилган.

Калит сузлар: Бошланғич таълим , баркамол авлод, хом-ашёлар, қобилияят, табиий материал.

Аннотации. В этой статье обсуждается важность обучения учеников начальной школы работе с натуральными материалами на уроках технологий и способы их использования в начальной школе.

Ключевые слова: начальное образование, просвещённое поколение, способность, сырьё, природный материал.

Annotation. This article discusses the importance of teaching elementary school students to work with natural materials in Technology classes and how to use it in elementary school.

Keywords: primary education, enlightened generation, raw materials, ability, naturel material.

Технология дарсларида табиий материаллар билан ишлаш ўқувчиларнинг нафақат ақлий, мантикий, ижодий қобилиятларининг ривожланишига, балки уларда сабрлилик қизиқувчанлик дикқат қилиш каби ҳислатлар ҳам ривожлантиришга хизмат қиласди. Ўқувчилар ишни бажариш давомида турли ҳали таниш бўлмаган натижаларга эришиб улардан

завқланишади. Шу билан бирга табиий материаллар билан ишлаш болаларнинг меҳнат маҳоратини ошириш билан бирга уларни табиат гўзаллигини ҳис қилиш, туюш орқали табиатни севиш уни асрашга ўргатади. Болаларни табиат гўзаллиги билан таништириш ва ундан завқ олишга ўргатишни эса имкон қадар барвақт бошлиш керак. Табиий материаллардан қўл меҳнатидан фойдаланишдан олдин ўқувчилар дикқатини барглар ўсимликлар гуллар ва хакларнинг ўзига хослигига ҳамда шаклий тузилишига қаратиш лозим. Табиий материаллардан қўлда турли нарсалар ясаш жараёнида ўқувчилар табиат қўйнига шўнғиб унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўрганишади, дастлабки меҳнат кўникмаларини эгаллаб олишади.

Табиат қўйнига саёҳатларда ўқувчиларга табиатда унинг ҳақиқий ғамхўридек муносабатда бўлишга, бехудага ҳеч бир гулни баргни узмаслик ҳақида уқтириб ўтиш зарур. Табиий материаллардан фойдаланиладиган дарсларга экологик урғу бериб ўқувчиларда табиатга масъулият билан муносабатда бўлишни тарбиялаш лозим “Табиат ва инсон биз бир бутун” “Табиат менинг ёрдамимга муҳтож”, “Табиатни асрашга мен ҳам масъулман каби тушунчалар ўқувчиларда амалий ишларни бажариш жараёнида ҳосил бўлиши керак.

Худди шундай ишни бажариш жараёнида қийинчиликка дуч келган ўқувчи уни мустақил ҳал қилишда харакат қиласи. Ҳатто муаммони ҳал қилиб билмасада ўқитувчининг кўрсатмаси ёрдамида йўл қўйган хатоларини билиб олади ва уни тузатади. Натижада ўқувчида бошлаган ишини охирига етказиш қатъийлик билан мақсадга интилиш хусусиятлари шаклланади. Юқоридаги фикрларга хulosा ясаб табиий материаллар билан ишлаш жараёни ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланитиришнинг кучли омилларидан бири деб айтиш мумкин.

Турли хил табиий материаллардан жумладан дарахтнинг қуриган барглари, игна барглар, полиз экинлари, уруғлари, нўхат ёнғоқ пўчоғидан апликация ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин. Масалан:

1. Дарахтнинг типратикан иғналарини ҳашаротлар оёқларини ясашда ишлатиш мумкин.
2. Ёнғоқ пўчоғидан турли ҳайвонларнинг бош қисмини ясашда фойдаланиш мумкин

Тарвуз, қовун, қовоқ уруғларидан, гуллар, барглардан, ҳайвон ва ҳашаротлар таналарини ясашда фойдаланишади. Шунингдек мosh нўхат ва бошқа дуккаклилардан, бошоқлилардан ҳам апликацияда кенг фойдаланиш мумкин. Технология дарсларда ўқитувчи турли хил нарсаларни ясаш давомида ўқувчиларга ишни бажариш ва ёрдамлашиш билан бирга улар қобилияtlарининг тўлақонли намоён бўлиши учун муҳит яратиб бериши ҳам лозим. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳам ақлий, ҳам меҳнат қобилияtlарини ҳисобга олган ҳолда дарсни илмийлик, ижодийлик тамоийллари асосида режалаштириш керак.

Адабиётлар.

1. Djamshidovna, X. M. (2020). Mechanisms for implementing an individualized approach to primary education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(1)*.
2. Абидова, З. К. (2012). Использование информационных технологий для методического обеспечения самостоятельной работы студентов профессиональных колледжей. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 27, pp. 88-90). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
3. Абидова, З. К. (2012). Самообразование студентов на основе дистанционных технологий. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 23, pp. 57-59). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
4. Сайдова, X. X., Хомидов, Я. Я., & Абидова, З. К. (2016). Механизм перемещения материала при равномерном перемещении плотного материала в швейной машине Juki. *Молодой ученый*, (11), 456-459.
5. Хайдарова, М. Д. (2013). Роль интеграции в школьном образовании. *Педагогика и современность*, (4), 33-36.

6. Хайдарова, М. Д. (2020). Единство трудового и эстетического воспитания школьников. *Вестник науки и образования*, (23-2 (101)).
7. Хайдарова, М. Д. (2020). Способы реализации индивидуального подхода к начальному образованию. *European research*, (6), 64.
8. Хайдарова, М. Д., Юлдашев, Б. Н., & Узбекистан, Б. (2019). Информационные технологии в трудовом обучении школьников. *teacher Namangan region, Norin district school № 40 Uzbekistan, Namangan city training of dialogical speech in the english language*, 542.